# Тиббиёт ходимлари куни тантанали нишонланди

Инсон учун соьлик энг азиз неоматлардан бири ъисобланади. Инсон соь-саломат экан, унинг руъи тетик, кщнгли хотиржам бщлади, ишидан унум, оиласидан шодлик аримайди. Сиъат-саломатлигимиз эса бир жиъатдан тиббиёт ходимларининг билими ва касб маъоратларига боьлиы. Эл-юрт саломатлиги йщлида беминнат хизмат ыилиб келаётган шифокорларга халыимизнинг ъурмат-эътироми чексиз.

Фарьона шаъридаги Рус драма театри биносида Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан тантанали маросим бщлиб щтди. Унда шаъримиздаги шифохоналар, ои-лавий поликлиникалар, диспансерлар, давлат санитария-эпидемиология назорати, ветеринария, реабилитация марказлари, болалар ва мурувват уйлари, фармацевтика, дорихона ва бошыа тиббиёт муассасалари шифокорлари ва кичик тиббиёт ходимлари иштирок этди.

Тантанали маросимни очган шаъар ъокими щринбосари Д.Ходжаева Фарьона ша-ъар ъокими Ъ.Хабибидиновнинг касб байрами муносабати билан тиббиёт ходимларига йщллаган табригини щыиб эшиттирди.

Табрикда кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан тиббиёт соъасида кенг кщламли ислоъотлар олиб борилаётгани, соъани янада ривожлантириш, тиббий хизматлар кўлами ва сифатини ошириш, моддий техник базасини такомиллаштириш, щз навбатида, тиббиёт ходимларини ыщллаб-ыувватлаш ва ижтимоий муъофаза ыилишга ыаратилган 30 га яыин фармон ва ыарорлар ыабул ыилингани жорий этилаётган ислоъотлар дебо-часи эканлиги таокидланган.

Фарьона шаърида ъам со-ъада амалга оширилаётган ислоъотлар, Президентимиз ыарор ва фармонлари ижросини таоминлаш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаъкамлаш, тиббиёт ходимларига ыулай меънат шароитларини яратиб бериш, уларни ыщллаб-ыувватлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоыда.

Хусусан, жорий йилда "Фергана фармацевтикал" хорижий сармоя иштирокидаги корхона фойдаланишга топширилди. Шу кунларда эса 5-оилавий поликлиниканинг замонавий андозалар асосида бунёд этилган янги биноси фойдаланишга топширилиш арафасида турибди.

Тантанали маросимда билим-салоъияти, касб маъорати, ыолаверса инсоний фазилатлари билан аъоли саломатлиги йщлида фидойилик билан хизмат ыилиб келаётган бир гуруъ тиббиёт ходимларига шаъар ъокимлигининг Фахрий ёрлиылари ва ыимматбаъо совьалари топширилди.

Вилоятимизнинг таниыли саноаткорлари, шаъар маданият муассасалари хонандалари ва бадиий жамоалари томонидан катта байрам дастури ташкил этилди.

2018-11-16 20:16:58